

Ислом молияси асослари ва ҳалол савдо фаолияти бўйича семинар бўлиб ўтди



16:30 / 13.09.2021 2515

11-12 сентябрь кунлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида "Ислом молияси асослари ва ҳалол савдо фаолияти" мавзусида амалий семинар ташкил қилинди. Семинар Ислом тараққиёт банки ва унинг шўъба корхоналарида фаолият олиб бораётган, ушбу соҳада амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан олиб борилди. Семинарда юздан ортиқ тингловчилар, асосан тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар, банк ходимлари ва талабалар қатнашдилар.

Ушбу тадбир Ўзбекистонда бўлиб ўтган Ислом тараққиёт банкнинг йиллик анжуманидан сўнг ташкил қилинганлиги соҳага қизиқиш ортаётганлигини англатади. Семинарда Ислом молиясининг асосий тамойиллари, ундаги тақиқлар, шартномаларга қўйиладиган талаблар, шерикчилик ва савдо-

сотиқ қоидалари, Ислом банклари фаолияти, шунингдек, мусулмон тадбиркорнинг ахлоқи мавзулари батафсил ёритилди.

Тадбирга Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлими мудирини Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов ҳам ташриф буюриб семинар иштирокчиларга савдо-сотиқ ва молиявий муносабатларда ислом дини талабларини тушунтирдилар, ҳамда уларнинг Ислом ва тижорат фикҳига оид саволларига жавоб бердилар.

Семинар якунида иштирокчилар бу соҳада ўқув курсларини ташкиллаштиришга эҳтиёж катталигини, чунки Ислом молияси ривожланиши мамлакатимиз тадбиркорларига ниҳоятда зарурлигини таъкидладилар.